

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН ФАРЗАНД ЎСТИРАЙЛИК, ИМОРАТ ҚУРАЙЛИК, ДАРАХТ ЭКАЙЛИК

Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислон Каримов 2000 йилни “Соғлом авлод йили” деб эълон қилдилар

Умр йилларимиз кунни тунга улаб, тунни эса кунга улаб ўтаверади. Табиат фасллари ҳам шундай - бизга ўзига хос шодлиги-ю, ташвишини юктириб, юклатиб қўйиб, шошиб-тошиб бирининг кетидан бошқаси келиб кетаверади. Кунлардан бир кун “Эвоҳ, деймиз, - вақт нақадар тез ўтиб кетаяпти-я...”

Бундан роса бир йил олдин айни шу декабр ойи, Конституциямиз байрами муносабати билан Президентимиз келаётган, ҳозирда эса ўтаётган йилимизни “Аёллар йили” деб эълон қилгандилар...

Аёллар йилини кутиб оларканмиз, ҳар биримизга хос ва мос тилакни лимиздан ўтказдик... Лекин ҳар биримизнинг тилимизда-дилимизда умумий бир эзгу тилак ҳам бор эди. Илоҳинг, юртимизда тинчлик, бирлик ҳукмрон бўлсин... Аёллар йилини ана шундай кўтаринки кайфият, эзгу мақсадлар билан бошлагандик. Лекин машум феврал воқеалари, Қирғизистон жанубида жойлашиб олиб, юртимизда ёт нигоҳини тиккан террорчи тўдалар, Янгиободдаги отишмалар...

“Халққа қарши курашиб бўладими, халқнинг хоҳиш-иродасини букиб, синдириб бўладими”, - дегандилар телевидениедаги бир интервьюларида Президентимиз...

Дарҳақиқат, бизнинг халқимиз дошимандал халқ, бизнинг халқимиз инсонпарвар, тинчликпарвар халқ... Ўтган воқеалар дилларга гашлик, хиралик солди, лекин халқимизни ўзи сайла-

ган, ўзи танлаган, ўзи ишонган Президенти атрофига янада жипслашмоққа, саботли ва эътиқодли бўлмоққа, мақсад сари - буюк келажак сари дадил қадам қўймоққа ундади... Далаларимизда меҳнат симфонияси тингани йўқ, қорхоналарда машиналар тўхтаб қолган йўқ, ёшларимизнинг илму билимга бўлган қандиримлай

Соғлом авлод деганда, шаҳсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билими, маънавияти юскак, мارد ва жасур, ватанпарвар авлодни тунушаман.

Аёл-Она муқаддас, муқаррам, мўътабар зот, бу фикр, бу тушунча ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топди. Хукуматимизнинг махсус Аёллар йили давлат Дастури асосида аёлнинг соғлиги, ҳақ-ҳуқуқи, маданияти борасида барча жабҳада кенг кўламли ишлар олиб борилди. “1999 йилнинг халқимиз учун кут-баракали бўлганига аёлларимизнинг шаънини мана шундай бошимизга кўтарганимиз сабаб бўлди”, - дедилар Президентимиз Конституция байрамини бағишланган тантананда. Президентимиз Инсон манфаатларига, Оилага, Аёлларга бағишланган йилларга ҳамоҳанг равишда 2000 йилни “Соғлом авлод йили” деб эълон қилишни таклиф этдилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Соғлом авлод тарбиясига Давлат сиёсати даражасида катта эътибор билан қараб келинмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг

биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб номланди, “Соғлом авлод учун халқаро жамғармаси” ташкил этилди. Аслини олганда ҳам мамлакатнинг бугуни, эртасининг мазмун-моҳиятини, эзгутилақларнинг ижобатини соғлом авлод амалга оширади. “Соғлигинг-бойлигинг”, - дейди халқимиз. Ҳаётнинг қувончу ташвишларини фақатгина ҳам руҳан ва ҳам жисмонан соғлом инсонгина ҳис эта олади. “Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади”, - дейдилар Президентимиз.

Президентимиз илдишлари қадим халқимизнинг соғлом ҳаёт тарзини барқарор этиш йўлидаги мақсад-интилиб ўтди. Булар: - соғлом ва оқил фарзандлар тарбиялаб ўстириш; оиласи ва фарзандлари учун иморат қуриш; яхши ниият билан дарахт ўтказиш...

Соғлом авлоднинг вужудга келиши оиладаги муҳит, бу муҳитни барқарор этувчи эр-хотиннинг соғ-саломатлиги, ўзаро муомала муносабатлари, ишончу эътиқодлари, тарбияни тўғри йўлга қўйишлари билан бевосита боғлиқдир. Ҳар биримиз ота-она эканимиз, бу шартларни назардан қочирмаслигимиз керак. Президентимиз диққатни яна аёл-онага қаратдилар: “Соғлиги ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Шу маънода аёлларни, оналарни асраш, наслини асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир”... Бу борада эр кишининг,

бутун жамиятимизнинг бурчи-масъулияти катта эканлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз “Соғлом авлод йили” учун махсус ҳукумат Дастури тайёрлашни ва амалга оширилишини маълум қилиб, шундай дедилар: “Бу Дастурда ёшларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва касбухонар дўстлиги учун тегишли шароит яратиб бериш, зарарли, ёт фоярлардан асраш, онгу шуурини илму маърифат нури билан мунавар этиш каби кўп масалаларга қаратилади”...


Инсоният яратилибдики бахтга эришмоқчи орзу қилади, шу йўлда изланади, интилади. Бахтли яшаш мазмуни нималарда ифодланади? Юртада тинчлик, осойишталик ҳукм сурса, кўнглинг хотиржам, танинг соғ-омон, оталик, оналик, фарзандлик ҳузур ҳаловатидан баҳраманд бўлсанг, фаровон турмуш наҳидасини бурсанг... Инсон учун бундан ортиқ бахт-саодат борми?

Яхши тилак-яхши. Лекин энг эзгу тилақлар астойдил меҳнатни, изланишни, куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Вужуд соғломлиги, ақлу тафаккур соғломлиги, турмушимиз соғломлиги йўлидаги эзгу амалларни ҳар биримиз ўз ўзимиздан, оиламиздан, жамиятимиздан бошлайлик. Келажакдаги буюк давлат ва эркин жамият қуришдек олий мақсадга ўзимизни чоғ-айлик...

Дилбар САИДОВА

БУГУННИНГ ГАПИ

ЯХШИ НИЯТ



- 2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинган кездаёқ кўз ўнгимда ўғлим Алишер билан қизим Мафтуна гавдаланди, - дейди Тошкентлик ҳарбий журналист Шухрат Ҳошимов. - Уйга қайтдим оналари Элмирахонни ҳам олиб, суратга тушдик. Токи, бу сурат Соғлом авлод йили арафасида эсдалик бўлсин, токи, ниият қилдим, менинг фарзандларим ҳам мустақил юртимизнинг мустақил, соғлом фарзандлари бўлсин...

А. Мовланов олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР ВА ТАҲЛИЛИ

- Жиззах, Гулистон шаҳарларида Ўзбекистон Фидокорлар Миллий Демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод - Ислон Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтди.
- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида Республика Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод - Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сўнгги ҳафта ичида “2000-2005 йилда елғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, “Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида” ва буюк аллома, ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллигини

нишонлаш юзасидан учта муҳим қарор қабул қилди.

- 10 декабрда Мустақил Ўзбекистонимизнинг Давлат Маҳдиаси қабул илинганига етти йил тўлди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентия Ислон Каримов тақлифига биноан Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 10-11 декабр кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.
- 14-декабр кунини Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва мамлакатимиз Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари (Омбудсман) вакилликчилигининг ҳамкорлигида Аёллар йили давлат Дастури доирасида Ўзбекистон республикаси инсон ҳуқуқлари миллий маркази биносида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияни мамлакат бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Фуломова олиб борди ва утқ сўзлади.
- Анжуманда Олий Мажлисда Омбудсман вакили С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази директори А. Саидов, Республика ижтимоий фикр миллий маркази директори Р. Убайдуллаева, шунингдек вазирликлар, кўмиталар ва муассасаларнинг раҳбарлари, нуфузли Халқаро ташкилотларнинг вакиллари маъруза қилдилар.

НОМЗОДЛАР АНИҚЛАНАДИ



Зулфия номидаги Давлат мукофоти тавсия этиш учун номзодларга танлов ўтказишнинг II-босқичи тугалланиб, Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси қошидаги Республика комиссиясига вилоятлардан 70 нафар номзодлар тавсия этилди. Куйида уларнинг рўйхати чоп этилмоқда.

Андижон вилоятидан: - М. Хусанова, Андижон шаҳар 6-ўрта мактаб 8-синф ўқувчиси. (Маданият йўналиши бўйича); Ж. Сотқинова, Избоскан тумани 6-сон гимназия ўқувчиси. (Таълим й. б.); С. Охунжонова, "Наврўз" ашула ва рақс дастаси раққосаси. (Санъат й. б.); Х. Раҳимова, Андижон Давлат Университети стажёр-тадқиқотчиси. (Фан й.б.); Ф. Эргашева, Шахрихон туманидаги 1-ўрта мактаб ўқувчиси. (Адабиёт й. б.).

Бухоро вилоятидан: С. Муродова, Бухоро шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқувчиси. (Санъат й. б.); Н. Гафарова, Бухоро озик-овқат ва енгил sanoat технологияси институти 1-курс магистриси. (Фан й. б.); И. Орипова, Пешку туман 11-мактаб кутубхона мудири. (Маданият й. б.); С. Турсунова, Бухоро Давлат университети ҳузуридаги ихтисослашган лицей ўқувчиси. (Таълим й. б.); Н. Уринова, Когон туман "Когон ҳаёти" рўзномаси корректори. (Адабиёт й. б.).

Жиззах вилоятидан: С. Муродова, Жиззах Давлат педагогика олийгоҳи ўқувчиси. (Фан й. б.); Н. Абдусаматова, Иқтидорли болалар лицейи ўқувчиси. (Таълим й. б.); Л. Жўрабоева, Вилоят телерадио компанияси ходими. (Адабиёт й. б.); М. Раҳимова, "Ўзбекракс" вилоят бўлими раққосаси. (Санъат й. б.).

Навоий вилоятидан: Ф. Рўзиева, Навоий шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқувчиси, "Ширин" ансамбли раққосаси. (Санъат й. б.); Л. Зоирова, Навоий Давлат педагогика институти ҳузуридаги Академик лицей талабаси. (Таълим й. б.); Д. Йўлдошева, Хатирчи тумани 54-ўрта мактаб ўқувчиси. (Фан й. б.).

Наманган вилоятидан: Х. Маҳмуджонбаева, Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси. (Фан й. б.); М. Каримова, Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси. (Таълим й. б.); М. Қодирова, "Сухбатдош" газетаси бўлим бошлиғи. (Адабиёт й. б.); Д. Якубова, Наманган Давлат санъат билим юрти талабаси. (Санъат й. б.); Г. Абдураҳимова, Учқўрғон тумани 40-мактаб ўқувчиси. (Маданият й. б.).

Самарқанд вилоятидан: Д. Абдуқонова, СамДУнинг тарих факультети талабаси. (Фан й. б.); Д. Ахророва, Урганч шаҳридаги "Иқбол" лицейини ўқувчиси. (Таълим й. б.); Р. Тожиёва, Пастдарғом тумани 6-сон қишлоқ кутубхонаси мудири. (Маданият й. б.); Д. Хўжанова, СамДУ талабаси. (Адабиёт й. б.); Х. Сатторова, "Ўзбекнаво" гастрол концерт бирлашмаси вилоят бўлими хонандаси. (Санъат й. б.).

Сирдарё вилоятидан: Н. Рустамова, Сайхунбод тумани 3-ўрта мактаб ўқувчиси. (Адабиёт й. б.); Ф. Эшбоева, Ховос тумани ихтисослаштирилган мактаб интернат ўқувчиси. (Адабиёт й. б.); Н. Курбонова, Сирдарё тумани 41-мактаб ўқувчиси. (Маданият й. б.); Н. Қорахўжаева, "Ўзбекракс" миллий рақс бирлашмаси вилоят бўлими раққосаси. (Санъат й. б.); Д. Рўзиева, Гулистон Давлат университети талабаси. (Таълим й. б.).

Сурхондарё вилоятидан: Ш. Мамараҳимова, "Жарқўрғон ҳақиқати" рўзномаси ходими. (Адабиёт й. б.); В. Бўронова, Жарқўрғон тумани 1-ўрта мактаб ўқувчиси. (Санъат й. б.); Х. Раҳимова, Денов тумани маданият уйи ходими. (Санъат й. б.); Д. Абраева, Термиз Давлат университети қошидаги академик лицей талабаси. (Таълим й. б.); Ў. Холмуродова, "Олтин мерос" жамғармаси Олтинсой туман бўлими бош ҳисобчиси. (Фан й. б.).

Тошкент вилоятидан: Г. Срочева, Тошкент Давлат Аграр университети талабаси. (Кибрай туманидан), (Фан й. б.); Д. Исмиёминова, Тошкент Давлат мусиқа билим юрти талабаси. (Олмалик шаҳридан), (Санъат й. б.); С. Қосимовна, Ангрэн шаҳри А. Навоий номи марказлашган клублар тизими бўлим мудири. (Маданият й. б.); Р. Тўлабоева, Ўрта Чирчиқ тумани 14-мактаб ўқувчиси. (Адабиёт й. б.); Р. Алимбоева, Паркент тумани лицей-интернатининг ўқувчиси. (Таълим й. б.).

Тошкент шаҳридан: Н. Умарова, Жаҳон тиллари университети қошидаги Академик лицей ўқувчиси. (Адабиёт й. б.); О. Абдуллаева, Тошкент Давлат консерваторияси аспиранти. (Санъат й. б.); Н. Турдиходжаева, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти қошидаги Академик лицей талабаси. (Фан й. б.); Ш. Жаҳонгирова, Т о ш кент шарқшунослик институти қошидаги 309-академик лицейи ўқувчиси. (Таълим й. б.); Д. Рустамова, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабаси. (Маданият й. б.).

Фарғона вилоятидан: З. Акбарова, Фарғона Давлат университети талабаси. (Адабиёт й. б.); Р. Умарова, Қува тумани "Анор" дастаси раққосаси. (Маданият й. б.); Н. Бобоева, Бизнес мактаби тикувчилик бўлими 3-курс талабаси. (Таълим й. б.); М. Сайдахмедова, Фарғона политехника институти талабаси. (Фан й. б.); Д. Содиқова, Марғилон шаҳар "Истиқбол" гимназияси ўқувчиси. (Таълим й. б.).

Хоразм вилоятидан: Н. Юсупова, "Янгибозор кўзгуси" рўзномаси бўлими мудири. (Адабиёт й. б.); Ё. Сафоёва, Урганч шаҳри 1-болалар санъати мактаби битирувчиси, марҳум. (Санъат й. б.).

Қашқадарё вилоятидан: Г. Эргашева, Шахрисабз шаҳри гимназия ўқувчиси, суҳандон, шоира. (Адабиёт й. б.); Ф. Шодиева, Нишон тумани лицей-интернат мактаби ўқувчиси. (Фан й. б.); Х. Норқобилова, "Қашқадарё" газетаси махсус мухбири. (Адабиёт й. б.); Н. Жабборова, "Хонадон" газетаси мухбири. (Адабиёт й. б.); Д. Бердиева, Вилоят санъат билим юрти талабаси, бастакор. (Маданият й. б.).

ҚҚР бўйича: Б. Бўронова, Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги Академик лицей талабаси. (Таълим й. б.); Д. Низомова, Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги академик лицей талабаси. (Таълим й. б.); Г. Мустапаева, Нукус шаҳар 37-сон лицей ўқувчиси. (Маданият й. б.); А. Артиқова, Нукус шаҳар Санъат лицейи ўқувчиси. (Санъат й. б.); Г. Минажева, ЎзФА Қорақалпоқ бўлими табиат илмлари комплекси институти аспиранти. (Фан й. б.).

"Қамолот" жамғармасидан: Л. Соатова, ТошДУ талабаси. (Сирдарё вилояти Сирдарё тумани), (Адабиёт й. б.); М. Аҳмаджанова, Тошкент Давлат Аграр университети талабаси. (Тошкент шаҳар Юнусобод тумани), (Таълим й. б.); З. Раҳимова, Тошкент Давлат маданият институти "Маънавият ва маърифат" бўлими услубчиси. (Тошкент ш. Яккасарой туманидан), (Санъат й. б.); Н. Қосимова, Фарғона тумани 18-мактаб ўқувчиси, Фарғон Давлат университети аспиранти. (Фарғона вилояти Фарғона туманидан), (Таълим й. б.); Д. Жуманиёзова, Ўзбекистон Адабиёт жамғармаси масъул ходими, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси аспиранти. (Тошкент шаҳар Юнусобод туманидан), (Санъат й. б.).

"Ўзбеккино"дан: Д. Турсунбоева, "Ҳамза" номидаги Академик драма театри актриса, киноактриса. (Санъат й. б.).

ОИЛА СОҒЛОМ БЎЛСА, АВЛОД ҲАМ СОҒЛОМ

2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши болапарвар, оилапарвар халқимиз қувончига қувонч қўшди.

Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар билан суҳбатимиз шу ҳақда.

Соғлом авлод ва келажақ тушунчасини қандай таърифлаган бўлардингиз?

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажақ авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг ва ундай давлатнинг келажаги ҳам буюк бўлиши муқаррар. Чунки, ҳар қандай миллатнинг раванки, умумбашарият тарихида тугган ўрни, мавқеи бевосита ўз фарзандларига ақлий ҳамда жисмоний етуқлигига боғлиқ. Уларнинг қиёфасида бутун миллат ва бутун мамлакат гурури, келажаги кўриниб туради.

Мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси борасида бугунгача олиб борилган ишлар тўғрисида нима дея оласиз?

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом авлод тарбияси энг устивор вазифалардан бири, деб белгилаб қўйилди. Баркамол авлод тарбияси - давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ватанимизнинг юксак манфаатларидан бири - "Соғлом авлод учун" ордени тавсия этилди. Жаҳонда биринчи бўлиб мамлакатимизда "Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармаси ташкил топди. Республикаимизда ҳозирги кунда нуфузли ва сеvimий нашрлардан бири "Соғлом авлод учун" журнали, "Оила ва жамият" ҳафталик газетаси чоп этила бошланди...

Ўртбошимиз Конституцияимизнинг 7 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида соғлом авлод тарбиясига оид махсус ҳукумат Дастури ишлаб чиқишимиз, уни амалга оширишимиз, керакли маблағ ва сармоялар жалб қилишимиз керак, дедилар. Шу нуктаи-назардан пойтахт хотин-қизлар кўми-

тасининг режалари?

- Таниқли файласуф Сантаяна: "Оила - табиятнинг шох асарини" деган экан. Ана шундай шох "асар"лар пойтахтимизда статистика маълумотларига кўра бугунги кунда 600 000 та атрофида... Лекин кўчаларни айланиб юрган кезларнинг аҳён-аҳёнда бўлса-да, оиласининг тайини йўқ, ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни кўриб қулабз бағрингиз эзилиб кетади. Республика болалар жамғармаси (раиси И.Т.Юсупова) билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган "Кўча болалари Маркази"ни ташкил этиш ниятимиз бор. Айни кунларда шаҳар ҳокимияти Марказга жой ажратиб устида ишлаяпти. 2000 йилнинг биринчи чорағиданоқ иш бошлайдиган бу марказда улларга тикувчилик, пазандчилик, дурадгорлик, сартарошлик, слесарлик каби касб-ҳунарлар ўргатилади. Ўзига хос тажриба - эксперимент тарзида фаолият кўрсатувчи бундай марказ ҳозирча нафақат Марказий Осиёда, балки ривожланган хориж мамлакатларининг ҳам кўпчилигида йўқ.

Айни пайтда кўмитамиз соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ - кўпдан буён олиб борилаётган хайрли ва савобли ишларимиздан бири - "Онларни соғломлаштириш" Дастурини ҳам изчил амалга ошириш жараёнларини давом эттирамиз.

"Соғлом авлод" йилига тилакларингиз?

- Ўртимизнинг соғлом оилаларида соғлом фарзандлар туғилаверсин, ўссин, унсин, камол топсин. Улар ҳоқ ўғил бўлсин, хоқ қиз бўлсин: мухтарам Президентимизнинг айтганларидек "...руҳи, фикри соғлом, йимон-этиқоди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод..." бўлсин.

- Ташақкур.
Номоз САЪДУЛЛАЕВ

САЙЛОВ: ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАР

Марказий сайлов комиссиясида сайлов якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Республикаимиздаги мавжуд 250 та округнинг барчасида ўтказилган сайловлар ҳақиқий деб топилди, - деди Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов, - Овоз бериш натижаларига кўра 184 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайланди. 66 та сайлов округида эса депутатликка номзодлардан ҳеч бири - овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг оромилиги овозини оролмадилар. Қонунга кўра, энди ана шу округларда икки ҳафта ичида - 19 декабр яқинда кун тақрорий овоз бериш ўтказилади. Яъни, ҳар бир округда энг кўп овоз олган икки нафардан номзод

қайта курашга тушади. Шунингдек, раис ўз сўзида Республика матбуот конференцияларининг 95,03 фоизи овоз беришда фаол иштирок этганлигини, сайлов жараёнларини кузатишда 15 дан ортиқ чет эл мамлакатларидан ва 7 та нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар кузатувчи сифатида қатнашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Конференция охирида оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга қониқарли овоз беришда олдлар ва олар - бу галги сайлов - Мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланиб бораётганлиги ҳамда ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил оқимлар ташланаётганлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Замон АЛИ

"АЁЛ, СЕНИНГ НУРЛИ ИЗИНГ БОР..."

Шоира Фароғат Камолова билан суҳбат



- Фароғат опа, ижодкор аёл қандай бўлиши лозим деб ўйлайсиз?

- Ҳаммага ўхшаган ва ҳеч кимга ўхшамайдиган. Ҳаммага ўхшашлиги - дугона, жонбахш сингил, меҳрибон она, вафоли ёр бўла олиши, ҳеч кимга ўхшамаслиги - ажиб ва сирли хаёлий олами борлиги, ундаги гўзал манзаралар, турфа туйгуларга мафтунлиги.

- Шеърятга қизиқишингизга нима сабаб бўлган?

- Шеър ёдлашни яхши кўрадим. Онам бу меҳрни рағбатлантиришга ҳаракат қилардилар. Эркин Воҳидовнинг "Чароғбон" деган тўплами қўлимга тушиб қолди. Ундаги барча шеърлар ва икки достонни ёд олганим эсимда. Дастлаб қўлаб тақлидий шеърлар ёзганман. Уларни таҳририятларга жўнатиб, "шу мавзудаги шеърларнинг такрорига ўхшаб қолган, кўпроқ машқ қилинг", қабилида жавоб олганман.

- Матбуотда эълон қилинган илк шеърингизни эслайсизми?

- Вилоят газетаси "Жиззах ҳақиқати" да босилган "Оқ йўл тила, кушгинам" деган шеър эди. Мактабни битираётган йилим "Саодат" журналида Зулфия опанинг "оқ йўл"и билан шеърларим босилди. Кетма-кет "Гулхан", "Гулистон", "Шарқ юлдузи" журналларида ҳам

туркум шеърларим эълон қилинди. Шу пайтга қадар 4 та шеърий тўпламим чоп этилган.

- Шеърларингиз ҳақида турмуш ўртоғингиз билан маслаҳатлашасизми?

- Кўпгина шеърларимнинг илк ўқувчиси ҳам, маслаҳат берувчиси ҳам Аҳмад ака бўлган. Лекин, кейинги вақтда бунга ҳар доим ҳам вақтлари бўлавермайди.

- Сизнинг оилангизга кўпчилик ҳурмат ва ҳавас билан қарайди. Турмуш ўртоғингиз Аҳмад Аъзам ҳам ёзувчи. Икки ижодкорнинг бирга бўлиши қийин эмасми?

- Ёнингизда сизни тушунадиган, туйгуларингиз ва қизиқишларингизни турмушнинг майда юмушларидан баланд кўядиган одамнинг бўлиши бир бахт деб ўйлайман. Мен Аҳмад акадан "китоб ўқиб қайсидир ишга улгурмабсан", деган таъна эшитмаганман. Аҳмад ака яхши нарса ўқисалар, албатта менга "илинади". Кейин у ҳақидаги фикрларим билан қизиқади. Мен илганган нозикликлардан қувонади. Балки баъзи оғирчиликлар, етишмовчиликлар бўлгандир, лекин ҳамиша уларнинг ўрнини тўлдирадиган нимадир бўлган, дейлик иккаламиз севиб ўқийдиган китоб.

- Аҳмад аканинг сиёсий фаолият билан бандлиги тўғрисида оилангиз "юки" кўпроқ сизнинг зиммангизга тушмайдими?

- Аҳмад аканинг Ўзбекистон телевидениесида "Маънавият" бўлимини бошқаришдан ташқари бир неча вазифалари бор.

- Азиз меҳмонимиз

Жумладан, Фидокорлар Миллий демократик партияси Марказий кенгашининг котиби. Шунинг учун вилоятма-вилоят юради, одамлар билан учрашади. Мана, яқинда Олий Мажлисга депутат бўлиб сайландилар. Мустақиллигимизга, Ватанга ҳизмат қилиш унинг учун қуруқ гаплар эмас... Мен ҳам бу жараёни ички бир ҳаяжон билан кузатаман, қўлимдан келганча қўлаб-қувватлайман. Бу туйгулар менга ҳам яқин.

- Фарзандларингизнинг ижодкор бўлишини хоҳлайсизми?

- Ўғлим Улғибек Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига Халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида ўқияпти. Қизим Хулқар ҳам акасининг йўлидан боришга чоғланиб турибди. Истагим - шулар ким бўлса ҳам бахтли бўлишсин.

Фароғат КАМОЛ

СЕВГИ

Бу сеvgи олдида чаманлар рангсиз, Бу сеvgи олдида майсалар қари. Қалдироқ овозсиз, торлар жангсиз, Мангулик олдида лаҳза сингари.

Бу сеvgи умримни тўлдирган тугал, Ҳатто кучли этган нозик жисмимни, Мен унинг юзига боққаним маҳал, Самолардан баланд кўтарган мени.

Азиз этган яна барча ҳисларга, Сўзларга суйдириб яшар дилимни. Сирли калит янглиғ бир нафас билан, Қайгулардан асрар менинг уйимни.

Балки ушоққина жисминг бор, Муҳаббатдан толган исминг бор. Оллоҳ берган ўғлинг, қизинг бор, Аёл, сенинг нурли изинг бор.

Қўлларингизда бойлик, гавҳаринг - Улуғбеғинг, мунис Хулқаринг. Юртга деган қўш юлдузинг бор, Аёл, сенинг нурли изинг бор.

Бир кун келиб сен-ла юзма-юз, Рухингни тарк этмади хануз, Ишқли дунё учун сўзинг бор, Аёл, сенинг нурли изинг бор.

Балки барчасидан аввалроқ, Барчасидан юксак, баландроқ, Хур Ватанинг, озод ўзинг бор, Аёл, сенинг нурли изинг бор.

Туннинг кучоғидан гул ҳиди келар, Ҳидлаб уйғонаман ётиқларимни. Тушларимда қолган куйни соғиниб, Юлдузлар бағримга тўқар нурини.

Маёус ойдилдан энтикар девор, Шаффоф деразада ҳаяжон изи. Биламан, ўнгда ҳам тушларим такрор, Юракда ишқ кечган кунларнинг иси...

Титраб йўлимизда шивирлар хазон, Изтироб васлига етган бу фасл. Дарахларни кучиб шамоллар гирён, Кузининг ўйларига чўмади кўнги.

Туманли кўринар узоқда соҳил, Соқинлик чўлғаган жим-жит боғларни. Шундай бўлар фақат тарк этса кўндир, Севиб, сўнг унутиб азиз ёқларни.

Дилларга билинмай тушади армон, Ҳатто дилдан ўчар сўзлар сиёғи. Бўм-бўш тулолди бу азиз макон, Юракка тўқилар хазон титроғи.

Самода қушларнинг патлари янглиғ, Паришон узилиб ётар булутлар. Қадрдон изларни бағрига босиб, Азиз турналарингиз кўнги унутмас...

БИЗ - ФАРЗАНДАРНИ ДЕБ...



Онам Ёқутхон Аюпова ўзбек аёлларининг оддий бир вакили. Умри меҳнат билан ўтган, хонадоннинг тинчлиги, фарзандлари камоли учун бутун куч-гайратини сарфлаган аёл.

Биз оилада тўрт фарзандимиз — уч қиз, бир ўғил. Отамиз 47 ёшларида юрак касаллигидан вафот этганлар. Уша вақтда энг каттамыз 18, кичигимиз 10 ёшда эдик. Онам отам йўқлигини билдирмаслик учун бор имкониятларини сарфладилар. Кундузи богчада тарбиячи бўлиб ишлар, кечалари уйда иш тикардилар. Онамга маънавий, руҳий мадад бериш мақсадида отамнинг оталари- 90 ёшли бувам бизникида яшай бошладилар. Онам бувамни яхши парвариш қилдилар, оқ ювиб, оқ тардилар, у кишининг дуоларини олдилар.

Меҳрибонимиз ҳамма фарзандларининг ўқимишли бўлишини истардилар. Шунинг учун ҳам чарчаганларини, товлари қочганини сездирмасликка ҳаракат қилардилар. Бизнинг хаёлимиз бўлимаслигини, ўқиниш йўлимизни истардилар. Уларнинг ҳаракатлари билан ҳаммамиз олий ўқув юртларига ўқишга кириб, ишимизга толиб кетдик. Зумрад опам, мен, синглим Дилдора ва укам Алишер бугун муҳандис сифатида турли кор-

хоналарда юртимиз фаровонлиги учун хизмат қиляпмиз. Агар биз бугун яхши мутахассис, тинч-тотув оиланинг аъзолари, ширин фарзандларнинг муносиб ота-оналари бўлган эканмиз, бунда энг аввало онамизнинг улкан хизматлари бор.

Ҳозирги кунда онам уч қувёв ва бир келинга она бўлиб, 10 та набиранинг сеvimли буvisи бўлиб ўтирибдилар.

Онам сабр-бардошли, оқила аёл бўлганлари учун маҳаллада ҳам ўз ўринлари, ҳурматлари бор. Шу ўринда барча қўшниларимиз оиламизни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаб, маслаҳат ва ёрдамларини аямаганларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Айниқса, Муртазо амаки ва Махфуза опа, Абдурахмон амаки ва Назира опаларнинг ёрдамлари катта бўлди. Оила аъзоларимиз билан улардан миннатдоримиз. Албатта, қариндош уруғларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Лекин, барибир ўтан йиллар давомида асосий оғирлик онамизнинг зиммаларига тушди. У киши барчасини сабот-матонат билан энгиб ўтдилар.

Бу йил онамиз 63 ёшни қаршиладилар. Ана шу баҳона барча фарзандлари номидан самимий миннатдорчилик сўзларини битишни ихтиёр этдим. Биз бундан буён ҳам онамиз ўзларининг битмас-туганмас меҳр-муҳаббатлари билан бизга йўлдош бўлиб юришларини тилайман.

Шундай бағрикенг, оқила, ҳамдард, азиз онажонимиз борлигидан фахрланамиз. Илоҳим, ўзбекининг шундай оналари ҳаммиса бор бўлсин! Онажон, Оллоҳ ҳаммиса Сизни ўз паҳолида асрасин. Доимо соғ-саломат бўлинг, уйнаб-қулиб 100 ёшга киринг.

Фарзандларингиз номидан қизингиз,

Дона АБДУРАҲМОНОВА

ЯХШИЛАРДАН СЌЗ ОЧДИК

УЛАРДАН МИННАТДОРМАН

Ёшим саксонда. Турмушнинг аччиқ-чучугини кўп кўрдим. Ишқилиб Оллоҳ насили этган ризқимизни териб еб юрибмиз. Бахтимизга Президентимиз И.Каримов омон бўлсин. Юртимиз тинчлиги, осойишталиги, мустақил Ўзбекистонимиз равнақи учун курашмоқда. Ҳақиқа ҳар кун дуолар қиламан. Оллоҳимнинг ўзи мададкор бўлсин. Икки фарзандим бор: 1 ўғил, 1 қиз. Қизим нафақада - 6 фарзанди бор. Набиралари бор. Ўғлим иккинчи гуруҳ ногирони, 5 фарзанди бор, ҳали ёш. Набирам тўсатдан бетоб бўлиб шифохонада даволанди. Оиламиз бироз қийналиб қолди. Шунда вилоят ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Мухторжон Жўраева мурожаат қилдим. Оллоҳ мартабасини улуг қилсин, кўмагини аямади. Бу идорадаги ўз ишига пухта ходимлар У. Маматов, Қ. Жумано-

ва, С.Шукуров, И.Мухторовлардан ҳам миннатдорман. Иқтисодий тарафдан қийналиб қолган эдик. "Наврўз" жамғармаси вилоят бўлими раиси Ақромжон Тожибоевга ҳам дардимни айтдим. Омон бўлгур Ақрамжон ҳам раъиймни қайтармай, қўлдан келганча мурувват кўрсатди.

"Наврўз" жамғармаси вилоят бўлими ҳисобчиси Холлидаҳон Шерматовнинг ширин сўзлари менга анча далда бўлди. Мана набирам соғайиб қайтди. Мурувватли одамлар ёнимизда эканлигидан қувонаман, оғир кунларда ёрдам қўлини чўзган яхшиларга дилдан ташаққуримни билдираман, ҳақларига дуолар қиламан.

Буvsара ая ЎСАРОВА
Уругт тумани Амир Те-
мур номли жамоа ҳўжа-
лиги

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР



СЕҲР

Бозор ўртасидаги сайхонликка тумонат одам йиғилган. Уртада катта-кичик икки дор. Ялтироқ ип билан қавилган чуст дўппи, жиякларига зар уқа тўтилган кўйлак билан чакмон, зарҳал нақшлар билан ишлов берилган антиқа этик кийган даврабоши дор тагига шойи қийиқча ёзди:

- Гуландом, қизим!

Келиб қийиқ узра чўккалаган беш-олти ёшлардаги қизча кўлини кўксига қўйди:

- Лаббай, адажон!...

- Мана сиз олти ёшингиздан дор устига чиқиб, кўзингиз боғлиқ ҳолда нозик томошалар кўрсатиб, отахон-онахонларингизнинг, аяхон-опахонларингизнинг кўнгилларини хушнуд қилдингиз. Улар сизга раҳматлар айтишмоқда. Энди хўп десаңгиз, бир ниятим бор. Катта дор устига чиқшдан олдин, мана шу муборак элдан бир дуо олсангиз. Кўпнинг дуоиси кўл дейишади.

- Бале-е! - қизчанинг жарангдор овози тўрт томонга ҳаволаниб кетди.

- Мана шу кутлуғ давранинг тўрт бурчагидан тўрт мард акам, яхши ниятлар билан фарзанд ўстириб, камолини кўрай деган орзуманд акам, мен ҳам тўйлар қилиб, эл-юрт олдида ўтай деган савобталаб опаларим, менинг ҳам ўғил-қизларим мана шу қизчадай одамларнинг олқишини олиб юрсин деган мўмин-мусулмонлар, тавба радди гуноҳ, садақа радди бало деганлар- топсалар учтагина сўм, топмасалар икитагина сўм, у ҳам бўлмаса, майли мажбурий эмас, биттагина сўм олиб, муборак дор остига яхши ниятлар билан қадам босиб, олдингиздаги қийиқчага ташлаб кетсалар. Шундан қолган пуллари кўша-кўша тўйларга буюрсин, тахтиравон уйларга, ширин-шакар фарзандларга, неварачевараларга буюрсин. Илоий о-м-и-н-н!

- Омви-ин!...

Мардик ҳақида сўз кетди. Ў-ў, сўзнинг сеҳри қанчалар улуғ! Фарзанд тилга олинди. Тўй, гуноҳ, офат... Илохий дор остидаги шойи қийиқ узра чўккалаб ўтирган қизчанинг дуога очилган хажжигина кафтлари...

Давра энг нозик дил торларидан таралаётган муסיқа оҳанглиридан маст бўлиб қолди.

ПУЛ

Хасталик момонинг бўйига кушнотлик юмушларини юклаган эди. Биз- тиниб тинчиманга набиралар чиллахонасининг гоҳ у бурчагидан,

гоҳ бу бурчидан, гоҳ кўрпа қатидан бир сўмлик пуллар топиб олардик.

- Ур-ре! Пул топдик! - нафасимиз бўғзимизга тикилиб момонинг олди-га югурардик.

- Қаердан олдинг? Кўрпанинг тагидан? Дарров жойига қўй! Салим дарознинг хотини ташлаб кетган эди. Бор, нимага анқайиб турибсан, тез жойига қўй деяпман.

Момонинг юзидаги ижирганганнамо ифода кўлимиздаги пуллари қандайдир кераксиз, жирканч бир қозога айлантриб юборарди. Ўшанда момон ишлатмаса, бу пуллари нима учун олишини сира тушуна олмасдик. Бу синоат тубига кейинроқ етдик. Момон ҳамма пуллари йиғиб, бирон мулла ёки эшонга, етим-есирга, муҳтож кишиларга бериб юборар экан.

Момондан кейин пулдан жиркандиган бирор одамни кўрмадим.

ХАТОЛИК

Агар умрингни, бор орзу умидларингни бағишлаган, кеча-ю кундуз хаёлингга ардоқлаб юрган кишинг бошинг ёстиққа ёки тошга текканда, майли бошингни эмас, ҳеч бўлмаса кўнглингни кўтармоқ учун икки дақиқа вақт топа олмаса, бунинг учун уни ёзғирмоққа уринма. Бу сенинг хатонг, сен одам танлашда адашгансан.

ДАВРА

Эшик очилиб, ибод кирди-гурур дея қабул қилдилар. Гул-гул ёниб, ҳаё кирди-димог дея қабул қилдилар. Бир-бир босиб ифат кирди, ному с кирди-нозу фироқ дея қабул этдилар... Нақадар аянчли, ожиз эди бу давра.



МАҒЛУБ БЎЛГАН КУН

Енгилиб, ер билан битта бўлиб қайтдим. Юрагимдан силқиётган қон азоб бўлиб, туман бўлиб, кўз ўнгимни қоплаб олгандай.

- Қандайсан?

Онамнинг ҳамиша хавотирга тўлиб тургувчи кўзларига кулиб қарадим:

- Жуда яхши, эна, ҳаммаси яхши!

"Майли, мен унинг тасаввурда энг зўр, энг бахтли одам бўлақолай..."

БАЙРАМДАН БОШҚА КУНЛАР

Шанба, яшанбаларни, катта-кичик байрамларни ҳамиша орзиқиб кутамиз. - Эҳ, тезроқ кела қолсайди ўша кун, - энтикади дил.

Орада жимгина, гоҳо бесамар, беиз ўтиб кетаётган кунлар ҳам умр эканлиги кўпинча ёдга келмайди.

ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК

... Майли, сенингча бўла қолсин. Аммо душманингни пахта билан бўғизлаётми, сенга ҳа, сенинг ўзинга пахта отаётганларнинг қай бири дўст, қай бири душман эканлигини қандай ажрата оласан?

ДАВЛАТ

Базан сўрашар эди:

- Ота-онангиз ҳаётми?

- Ҳа, - дердим бепарво.

- Бадавлат экансиз...

Тирикчиликнинг беадоғ юмушлари билан оввора бу безовта хонларнинг қандай давлат эканлигини илк бор отамдан айрилган куним англадим.

УМР

Инсон умри шу қадар қисқаки, "шу имконни бой бердим-а", - деб куйиб ёнишларга, "эртанги куним яхшироқ ўтсин" деб қандайдир пасткашликлар қилишга, ... бош эгиб яшашга сира-сира арзимайди.

ФАЛСАФА

Дунё ҳамиша тараққийётда. Инсон ўша тараққийётнинг энг мукамал муждаси.

У шу қадар мукамалки, бу улуг дунёнинг тузувчиси ҳам, бузувчиси ҳам ўзи.

У шу қадар мукамалки, бир-бирига яратувчи, бир-бирига халоскор, бир-бирига кушанда...

СОҒИНЧ

Мени Сизга элтадиган энг олис йўл ҳам толдирмайди ҳеч қачон. Борар манзилимда Сиз турганлигини ҳис этиб туришнинг ўзи кифоя. Оёқларим эмас, йўлнинг ўзи юради. Сиз орзиқиб кутганда, мен соғиниб елганда...

Сизга элтадиган энг қисқа йўл ҳам сира унмайди. Юрагим бўғзимга тикилиб, қанча тез юрмайин, ҳеч етолмайдигандай туюлаверади. Айниқса, Сиз орзиқиб кутганда, мен соғиниб елганда...

АНДИША

Кўшнимнинг бақувват боласи туширган зарбадан юрагим қалқиб кетди.

Ўғлим бўлса, ноилож жилмайганча зарба тушган жойни силади.

Унинг аҳволини тушундим: қайтариб уришга қудрати етмайди. Дод солиш, йиғлашдан, онасини ёрдамга чақиришдан ор қилади. Худди дераза панжаларига ёпишиб, "болаларнинг орасига тушиб нима қилдим" деган андишанинг етовидан чиқа олмай турган онаси каби...

Дафъатан лозим бўлган дам дод дея олиш, андишанинг сиртмоғидан чиқа билиш ҳам мардик, жасорат эканлигини англадим.

ИЛТИЖО

Кўнгил, шу сафар кенгроқ бўл, шу сафар лоқайд бўл, кўр бўл. Унинг камчиликларини кўрма, ёлгон сўзлаётганларини сезма. Севади де, ишон. Севги деганлари шундай бўлиши керак, дегин.

Кўнгил, шу сафар ҳиссисроқ бўл. Туйгуларингни эҳтиёт қил. Утли туйгуларингни, соғинчларингни асра. Қара, унинг соғинчлари қанчалар сокин. Унинг севишга, жуда-жуда севишга ишонгинг келса, сен ҳам шундай сокин бўл. Кеча- кундуз ўйлаб бир марта йўқлама. Йўқлаётган пайтингдагина уни ўйла. Соғинччи ҳам, висолни ҳам унут. Муҳаббат нима деган нарса? Маҳбурият-ку, ахир! Ҳа, оддийгина маҳбурият. Сен уни севишинг- худди мен тавсия қилган тақлидда севишинг керак. Боғланиб, сўнг чирт-чирт узилётган кўнгил ришталарини унут. Сени унга муҳаббатдан муқаддасроқ, буюроқ туйгулар боғлаб турибди, қаёққа борасан?

... Не-не тўфонларни ютиб яшарётган бу қалб мамлакатда тизгинларга бош бермайдиган улкан муҳаббат яшарди.

Жамила ЭРГАШЕВА

Термиз

СЕВГНИ ҲАҚДА БЎЛУРМИ, ЗАР БИЛАН, ИНЖУ БИЛАН...

"Хотинимнинг ёди билан яшайман" - 49-сон

ЭСЛАТМА: "Уғирликка ўрганган, ёмон қилиқларга берилгандим. Лекин, бу қиз билан танишгач... У менга қайтадан ҳаёт бахш этганди бўлди. Турмуш қурдик, фарзандли бўлдик. Лекин, мен йўғимда уйимизга ўриликка кирганлар хотинимни ўлдирди кетишди. Энди эса қайнотам қайсинглимга уйланишимни талаб қилапти. Мен эса хотинимни унутолмаслигимни ҳис этаёпман..." - деган мазмунда ёзганди О.Т.

Мен газетанинг 49-сонидаги "Хотинимнинг ёди билан яшайман" деган мақолани ўқиб гоят ажабландим. Мақола сифатида эътирозим йўқ. Лекин, ҳурматли О.Т.нинг бошидан кечирган, аникроғи кечираётган воқеаларни тасаввур қилдим.

Хотинимнинг хотираси билан яшайман, дебсиз. Офарин! Эҳтимол бу ҳар бир йигитнинг қўлидан келмайдиган ишдир, лекин!... Агар кўнглингизга олмасангиз бир-иккита оқиқ айтадиган сўзларим бор эди. Сиз бу гапларга гезагеза ёзишдан олдин бир ўйлаб мушоҳада қилиб олмабсиз-да. Мен сизга айтадиган гапларимни эҳтимол сизни хафа қилишдан чўчиб ҳеч ким юзингизга айтмас. Бироқ мен хафа бўлсангиз ҳам айтишга мажбурман. Чунки, бу сўзларни сизнинг ўрнинида ўз болам ёки туғишган укам бўлганда ҳам айтган бўлар эдим.

Укажон! Чиндан ҳам сиз севган қиз, яъни хотинингиз ажойиб аёл экан. Бўлмаса сизнинг бахшлагани ўзининг севгисини қозонмоқчи бўлганингизни,

ёки сиз қўнглингизни атайлаб боғлаб чиққанингизни билганда бошқача иш тутган бўлармиди?... Бироқ, ҳар қалай унинг севгисини қозониб уйланибсиз. Уғилчаллик ҳам бўлибсиз. Сиз буларнинг ҳаммасига осонгина эришганингиз учун сизга уларнинг зигирча ҳам қадри билинмапти. Агар Сиз уй-жойни, машинани, жарақ-жарақ пул топадиган касбингизга машаққатлар билан эришганингизда эди, ўтаётган ҳар бир кунингизга шукр қилардингиз.

Меҳнатингизнинг ширин нонидан ўзингиз мамнун бўлган бўлардингиз. Қайнотангизнинг марҳамати, саҳийлиги билан шунчалик мартабага эришибсиз. Отангиз яхши ишга жойланибди. Энди эса сизга у кишининг қўшқўлаб кичик қизини тутиши эса у қадар ўтиришмапти.

Аслида-ку, бировнинг оилави ўйишга аралашиб маслаҳат беришдан ҳам осони йўқ. Негаки, "Ўз уйинг тинч бўлса, ташқарида илонлар ўйнасин" деган экан қадимгилар. Бунинг маъносини шуки, агар ўз уйинг тинч бўлса ташқаридагиларнинг ниш уришлари ҳам қор қилмайди, дегани-да.

Сиз қайсинглингизга уйланишдан бош тортишдан аввал бундай қилинг. Яъни, ҳали қайнотангизга рад жавобини беришдан аввал бир-икки ой бироз шаҳарга бориңг. Майли ўғилчангизни ҳам олинг-да, мустакил яшаб кўриңг. Оқддий ишга кириңг, ижарада яшаңг. Ҳамма қатори ишга ҳар кун тикливинч автобусларда туртиб-суртиниб бориб кўриңг-чи. Сўнг ишдан ҳориб-ториб уйга келганингизда қайтишингизга жавдираб ўтир-

ган ўғлингизни овқатлантинг. Табиийки ёлғиз, аёلسиз яшаганингиздан сўнг кир-чирингиз ҳам, овқат пиширишдан тортиб уйлари супуришгача ўзингизнинг зиммангизда бўлади. Халол ишлаб топган маошингизга ҳам рўзгорни, ҳам кийим-бошингизни, яна бошқа икир-чиқларни ҳам эглаб яшай олангиз яхши. Ахир баъзан турмуш қийинчилиқларига бардош бера олмай ажрашиб кетётганлар ҳам кўп-ку. Ваҳоланки, Сизда эса бу ташвишларнинг биронтаси ҳам йўқ. Лекин, мен айтгандай қилиб бир ой яшаб кўриңг-чи?

Шунда сиздаги мана шу шижоатдан асар қолармикан? Балки, бекор қилибман-да, қайсинглимга уйланиб олиб тинчгина, мазза қилиб яшайверсам бўлар экан дея афсусланарсиз. Эҳ, укажон! Севгининг синовлари инсонни не қўйларга солишини, унинг ниҳоятда бешақабат эканлигини тушулмаган кўринасиз. Юқоридаги гапларни айтишдан мақсадим, ҳозир отанонангиз бор, сизни қўлашади. Ўғлингизни вақтида овқатлантириб, боғчага, мактабга олиб бориб қўйишади. Сиз тайёр овқатга келасиз, ювилган кийимларни қийиб ишга кетасиз. Ишга тайёр машинангизда бориб келасиз. Аммо кейинроқ ота-онангиз оламдан ўтишгач нима бўлади? Ахир уларни бу дунёга боғлаб қўймаган. Шундай экан эркакка аёл, болага эса она кераклигини унутмасангиз яхши бўлармиди?

Шунда ҳам аҳдингиздан қайтмасангиз унда сиз ҳақиқий севи соҳиби эканлигингизга шубҳам йўқ.

Лекин, шуни унутмангки, сизни таллаган йўлингизда кўп синовлар, машаққатлар қутади.

Тошкентлик С. опангиз

ЙИГИТНИ АВАЛ ИМТИҲОН ҚИЛИҢГ

"Менинг қадримга етармикан?" - 36-сон

ЭСЛАТМА: Яхши оилада улғайдим. Ўқиб, севган касбимни эгалладим. Ишга ҳам жойлашдим. Энди эса уйдагилар мени узатишмоқчи. Бир йигит билан топшиб, севиб қолдим. Бироқ, аввал уйланган экан. У... менинг қадримга етармикан...

Тошкент

НАРГИЗА

Қизим маслаҳат сўраб тўғри қилибсиз. Маслаҳатни дўстингга сол-кенгаш ўзингизни дейдилар. Қиз бола ўз вақтида турмуш қургани яхши. Йигит эса оиласидан 4-5 ёш катта бўлгани яхши. Нега десангиз ўғил бола оилани бошқаради. Баъзи йигитлар "айлани-ўриғали хизматкорингиз бўлай, айтганингизни қиламан", - деб уйланиб олгандан кейин ўз қаллиғини менсимайди. Хурматламайди. Ўзбекларда бир мақол бор: - Ўзбекини пули қўлайса хотин олади, қирғизни пули қўлайса от олади, деган.

Мен сизга шундай маслаҳат бераман:

Сиз йигитингизни имтиҳон қилиңг. Яъни: ўша йигит сизни севса, келажак режасини кенгайтириб ёзиб берсин. Бунда сизга қиладиган муомаласи, маслаҳатлари, ота-онангизни ҳурмат қилиши-ю, ичкиликни яна бошламаслиги, ҳар қанча пули қўлайса ҳам бошқасига оғиб кетмаслиги, ҳамма ҳаммаси эсдалик режа дафтарда ёзилган бўлсин. Сиз ўша дафтарни сақлаб қўйиңг. Ўша йигит сизни севса бир соатлик вақтини аямай ёзиб беради. Иккинчидан: биринчи рўзгоридан ажрашганлик тўғрисидаги қоғозини сизга кўрсатсин. Ўша қоғозда ажралиш сабаблари кўрсатилади. Ҳар иккала вазифани бажаргандагина сизни имтиҳонингиздан ўтган бўлади. Имтиҳондан ўтган студентга диплом берилади. Яъни сизларга янги никоҳ гувоҳномаси берилади. Уни ҳаёт дипломи дейилади. Сизга бахт-ёр бўлсин.

Анджон вилояти

Зокиржон ИБРОҲИМОВ

САБР ҚИЛИҢГ, ҚИЗИМ

"Оиламни сақлаб қолишим керак" - 35-сон

ЭСЛАТМА: Биз эрим билан аввалига бир-биримизни тушунардик. Кейинчалик эса у ўзгарди. Мени уриб-ҳақорат қила бошлади. Мен эса барига чидаб, болаларим борлиги сабабли оиламни сақлаб қолишга ҳаракат қилаёпман. Лекин...

Муштарий

Темирданми ё пўлатдан оналар жони, йўқ, пўлатмас, чўндандир юрак кўргони.

Ҳа, оналар жони аслида чўндан ҳам муस्ताҳкамроқ. Муштарий дил изхори дилимни ендиргудек бўлди. Бундай турмушни "турмуш эмас, мушт" деса бўлади. Чунки қилдан қийиқ ахтариб жанжал кўтарадиган эр билан умргузаронлик қилиш қийин. Оилани барбод қилишгача олиб борадиган рашққа ўт тушини!!! Шу ўринда бир воқеани айтмоқчиман: Бирга ўқиган дўстим рашқчи эр билан 45 йилдан буён яшаб келаяпти. У ўз юрагини бўшатиш учун қўришиб қолганимизда хасратини менга ёради. Ҳам юптардим, ҳам қўшилишиб йиллардим.

- Уртोजон, тонмайман, шу рашқчи эрим билан шохона яшаган дамлари кўп бўлган, дунёни биргаликда кезганмиз. Илмда ҳам энг яқин ҳамкорим бўлган. 6 фарзандни воёга етказдик, ҳаммаси оилали. Оллоҳимга беадал шукрлар бўлсин.

Вақти-вақти билан рашқ тоши қалбимни тиглаганда (у мени бировларга уйнаш санатанда) аланимга чиқолмай, ўрнимни бўлак қилардим. Бирор мартаба бўлсин "Бечорани ҳақорат қилиб хўрладим", - деб юпатардим. Балки ёлғиз ўғил бўлгани сабабидир.

Ўша вақтларда икки жойда ишлайман, болаларни боқиб ташвишида елиб юргунимдан рашқ ўтига чап бериб яшайвердим. Ёшим бир

жойга боргач, гап кўтара олмайдиган бўлиб қолдим. Болам ўлим тўшагидея этганида: "Мендан яширган сир-синоатларингни очикчасига айтиб, Оллоҳга ёлворсанг, ўғлинг тўзлади", - деди. Менинг тубанлигим туфайли болам касал бўлганмиш. Тўхматларни эшитган қулоқларим қор бўлса бўлмасиди! Ўғлим ҳаётдан кўз юмганида: "Сен ўлдириб юбординг ўғлимизни!" - дея қалбимни оғритди.

Шунда ҳам у аёл муроса-ю мадора қилиб: "Уй ичининг оғир тоши" бўлиб, фарзандлари, неваралари билан юпаниб юрарверди. Бир кун ибобакор эри "Отам ўлаётганинда палончи бузуқ деб ўлган" - депти. "Керадан билдингиз?" - деса, "Худо урсин ёлгон гапирсам, ўзим кўрдим ва эшитдим оғизларидан" дебди. Эрининг инсофсизларча айтган тўхматларига чидаб, яна Оллоҳдан нажот сўрабди.

Сиз эрингизни дил-дилдан яхши кўриб, турмуш қургансизу рашқ туфайли бир-бирингиз билан беғоналардек яшаётган экансиз. Сингилжон! "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", - деганларидек, арқони узунроқ ташлаб ичингизга оғир тошини. солгандек болалар тарбиясига масъуллингизни ўйлаб иш тутинг!

Афифа ҲАСАН қизи, нафақадаги ўқитувчи

ҲАЁТ БИЗНИ СИНАЙДИ

"Яшагим келади, аммо..." - 39-сон

Мақолани ўқиб жуда-жуда таъсирланиб кетдим ва дарҳол ўз мулоҳазаларимни ёзишга киришдим. М. исми қиз тақдиринг жўн чархпалагини изхор эттибди. Авваламбор мен қизнинг ўқитувчиси — самарқандлик Ҳафиза Ҳасаровани қаттиқ қораламоқчиман. Тарбиявий соатлар ва қизлар мажлисини ўтказиш жараёнида ўқитувчи ўқувчисининг ички ва ташқи дунёсини жуда яхши ўрганади. Нега "юз кўриниши ўзгариб, қон йиғлаб тинглаб ўтирган" ўқувчининг кўринишидан ўқитувчи пайқанади... Энди эса тайинли маслаҳат бера олмай, бечора қизга ачиқиб, қандай йўл тутишни билмай муштарийлардан маслаҳат сўраб турибди...

Энди М. исми синглимга келас. Акангиз кимлигини икки марта қамалганлигининг ўзи айтиб турибди. Бўлар иш бўлди. Онангизга айтиб тўғри қилгансиз. Қиз бола онаси билан сирдош бўлиши, унинг айтганини қилиши керак. Онангизнинг айтганини қилиб юргангизда яна алданиб дилингизни оғритмаган бўлардингиз. Севгибиз улкан бахт, лекин бахтни иккала томон биргаликда яратади. Умид сизни севмагани яққол намоеъ. Акангизнинг қилмишини Умидга айтмаслик керак эди. Тўғри, оила бахтини алдов билан қуриб бўлмайди. Умидни ёқтириб қолганингизни онангизга айтганингизда оқилона маслаҳат олган бўлардингиз. Сиз Умидга ҳеч ким билан юрмаганман деб

туғилган кунда у билан қолибсиз. Шу қадамнинг ўзи сизнинг иродасиз ва энгил қиз деб ўйлаш учун замин бўлиб ҳисобланади. Йигитлар эса бундай қизларга уйланмасдан, Умид айтгандек, яширинча учрашиб юради. Эндигина турмуш қуриб аёлига хиёнат қилишни ўйлаган кишини нима деб атаса бўлади ва ундан сиз икки дунёда меҳр кутманг...

Катта хато қилганингизни сезибсиз, демак келажак сизники. Сизга дунёдаги "олтин" маслаҳатни бермоқчиман. Авваламбор кучингизга яраша ўқишга кириб ўқиңг. Вақт ҳамма нарсани доволайди. Ҳаётда худди аввалгидек ҳақиқатга ўй бўлин!

Шу билан ҳаёт давом этаверад, туггани йўқ. Фақатгина Оллоҳ яқна, бандаларнинг ҳаммаси жуфти билан яратилган. Ҳаётда ўқимишли, бирор тўзуқроқ ишли ва албатта оилали бўлганингизда ҳаммаси учиб бўлади. Умидга эса қайрилиб боқманг, ўзингизни тик тутинг. Чунки ҳаёт ҳар бир қадамнингизга тўзуқ қўяди, синайди, пўлатдек тоблайди, кейин бахтни беради. Илоҳим шундай бўлсин.

Бухоро шаҳри

Назокат ТОШЕВА

ЁШЛИГИНГИЗГА БОРИБ...

Сингилжоним М. Кўп сиқилманг. Қилган ишингизни ўйлаб, шунчалик юрагингиз эзилаетганлигини тасаввур қилаёман. Бўлган иш бўлиб ўтди. Ҳаётни орқага қайтариб бўлмайди. Қайтариб бўлганда, одамлар қилган ишларини аллақачон яхши томонга тўғрилашга ҳаракат қиларди. Сиз ўзингизни ўлдирिशга ҳаракат қилибсиз. Бу дунёда ҳар бир бан-

дай ишга асло йўл қўймаган бўлардингиз. Чунки булар инсоннинг дунёқарашини, фикрлаш доирасини кенгайтиради. У севган йигитингиз сизни умуман севмаган. Агар сизни бутун қалби, юраги билан севганда эди, сизга уйлانган бўларди. Мен шундай оила-ларни билман, қиз турмушга чиқиб оиласидан ажрашган, йигит умуман уйланмаган, ҳозирги вақтда бахтли яшапти. Одамнинг ҳаваси келади. Ёшлигингизга бориб, ҳавойи гапларга учгансиз, бу эса сизнинг иккинчи марта ҳаётда қўнглингизга олиб келган.

Яратган эгам қалбидан, бутун вужуди билан тавба қилганларни кечиргубчирид. Бундан кейинги умрингиз давомидея адашмасликка ҳаракат қилиңг. Сизни ҳам бахтли қиладиган бир мард инсон топилиб қолади. Фақат умидсизликка тушманг. Инсон умид билан яшаб, Оллоҳимга шукр қилиб яшасанига ҳаётда ўз йўлини топиб кетади. Сизга Оллоҳимдан бахт, омад, чиройли ҳаётни сўраб қолувчи опангиз.

Тошкент

3.

ШАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОҲЛАР



Кизимиз МУНОЖОТХОН!
Туғилган кунинг муборак!
Бахтли қиз бўлиб ўсгин.
Оила аъзоларинг



Кизим ДИЛОРОМ!
17-декабр таваллуд айёминг кутлуг бўлсин!
Сенга доимо соғлик, узоқ умр, порлоқ келажақ тилайман.
Оиланг номидан Дадаңг



Азиз ОНАЖОН ва ОТАЖОН!
Таваллуд айёмингиз муборак! Умрингиз узок, соғ бўлинглар.
Фарзандларингиз — Лобар, Анжела, Қаҳрамон, Фаррух. Қажақараё вилояти Касби тумани Қамаша қишлоғи



Онажонимиз Дилфузахон РОЗИКОВА!
Сизни таваллуд кунингиз билан кутлаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг.
Фарзандларингиз — Наргиза, Дилноза, Равадан, Беҳзод, Назокат



Булунгур тумани коммунал фойдаланиш бошқармаси бошқармаси бошқармаси Мусо АХМЕДОВ!
Туғилган кунингиз ва 63 ёшга тўлганингиз билан Сизни кутлаймиз. Мусо Аҳмедович, Пайғамбар ёшингиз муборак бўлсин!
Фарзандларингиз ва дўстларингиз

СИНГАЛИМ БИЛАН КЎРИШМАСАК...

Инсон яшаркан ён-атрофда рўй бераётган барча сир-асрорларни билиб олгиси келади. Кимдир иримга ишонади, кимдир эса мунажжимлар башоратига ишониб эртанги кундан умидвор бўлади. Менинг дугонам эса кўпинча туш таъбирига ишонади.

— Утган ҳафта ажойиб бир туш кўрдим, — деб ҳикоя қилди у бир гал. — Тушимда уйимизга борибман (ўзи аслида қашқадарёлик, турмушга чиқиб, шу ерда қолиб кетган). Уйимиз шундоққина йўл ёқасида жойлашган, кираверишда қатта ариқ оқиб ўтади. Уйга кирибман. Қарасам, ҳовлимиз яшнаб ётибди: ҳамма мевалар фарқ пишган, мевалар ерга тўкилиб ётибди. Ҳовли эстагида ҳатто икки жўяк қовун ҳам пишиб турибди.

Ҳовлимиз гир айланасига тоқ билан ўралган бўлиб, тоқнинг тагига салқин жойга супа ўрнатган эдик. Супада онам, дадам, сингилларим чой ичиб хушчақчақлик билан суҳбат қуриб ўтиришган экан. Мен ҳам бориб улар билан кўришибман. Гап-гапга уланибди. Бир маҳал аллақердан тўнғич синглим Лазокат келиб қолибди. Ҳамма билан кўришибди, мен билан ҳеч кўришмасмиш. Мен ҳадеб у билан кўришмоқчи бўлармишману, аммо у ҳеч менга қарамасмиш. Кўрган тушимдан ажабланиб қандай уйғонганимни билмайман. Уйимнинг тагига етолмай ишга бориб келдим ҳамки кўнглимнинг бир четида турган гашлик тарқамди. Кечки пайт уйда ўтирсам, кўча эшик жириглади. Бориб очдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда ўша мен билан кўришишни (тушимда) хоҳламаган синглим кулиб турарди. Дилимдаги гашлик ариб, ўрнини бир олам севинч эгаллади.

Унинг ҳикоясини тингларканман Оллоҳнинг синоатларига яна бир бор амин бўлдим.

Фарида ТОХИРОВА

ЭЪЛОН
Қибрай тумани марказидаги пойдевори қўйилган 6 сотих ер соҳибади ёки Юнусобод туманидаги 5 қаватли кооператив уйнинг 1 — қаватидаги 1 хонали уй билан бирга кўп хонали уйга алмаштирилади.
Тел: 125-99-18 соат
18.00 дан сўнг мурожаат қилинг.

ХУРМАТЛИ ҲАМЮРТЛАР!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига кўра, халқ хўжалиги ва аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш мақсадида 15-декабрдан 15-январгача Республикада ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди.

Азиз Ватандошлар! Ёнгин хавфсизлиги қодаларига риоя қилиш билан Сиз давлат мулкни ҳамда шахсий мулкнингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Сизлардан ёнгин хавфсизлиги ойлигининг ўтказилишида фаол қатнашишларингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгиндан сақлаш бошқармаси

“МАЛИКА” хусусий ўқув маркази куйидаги 3 ойлик курсларга тақлиф этади:

1. Бичиш-тиқиш;
2. Торт тайёрлаш;
3. Уй ҳамшираси;
4. Сартарошлик.

Манзилимиз: Сирғали тумани, 8 “а” маззе, 24-уй, 4-хонадон.
Мўлжал: 51-АТС рўпарасида.
Тел: 51-12-95

“БЕГОЙИМ - СЕРВИС”
Азиз аёлларни ўқишга тақлиф қилади:

1. Массаж.
2. Уй ҳамшираси.
3. Торт, салатлар тайёрлаш.
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Сартарошлик.
6. Замонавий урфдаги пардалар тиқиш.
7. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
8. Компьютер.

Манзилимиз: Ўрда бекати, Анҳор бўйи кўчаси. 6-уй.
Тел: 41-16-63, 45-78-34.

Азиз опамиз Мастурхон ИМОМХЎЖА қизи!
Умрингизнинг 50 йиллиги муборак! Оллоҳдан соғлик, боқий умр тилаймиз. Почтам билан кўша қариб, фарзандларингизга бош бўлинг. Сиздек опамиз борлигиндан шодимиз. Сизга ота-онамизнинг руҳи ёр бўлсин.
Опаҳон! Биз сизни севамиз мудоми, Меҳрингиз қошида этамиз таъзим.

Опангиз Матлубахон, укангиз Масудхўжа Одилхўжаев

Хурматли ЭРШОДБЕК!
Сени 16-декабр, 9 ёшин билан кутлаймиз. Келажақда чин инсон бўлиб етишишига тилақдошимиз.
Буваңг, бувинг ва аммаларинг номидан Дилфуза

ЭЪЛОН
Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13-сентябрдаги 418-сонли Қарорига кўра Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Матбуот тарқатувчи” ва “Матбуот тарқатиш Маркази” Ёпиқ Акциядорлик Жамиятларининг қўшиб юборилиши муносабати билан “Матбуот тарқатувчи” Очиқ Акциядорлик Компанияси ташкил этилди. Мазкур Компания “Матбуот тарқатувчи” ва “Матбуот тарқатиш Маркази” Ёпиқ Акциядорлик Жамиятларининг ҳуқуқий вояси бўлиб ҳисобланади.

ОИЛА-544
Тошкентлик, бир фарзанди билан ажрашган аёл 35-40 ёшлардаги тошкентлик йигит билан турмуш қуришни истади.

ОИЛА-545
Тошкентлик, 42 ёшли ажрашган, касби ҳайдовчи, ўзбек йигити 25-40 ёшлардаги аёл билан турмуш қуриш истагида.

ОИЛА-546
Тошкентлик, касби ҳамшира бўлган 30 ёшли, ажрашган, келинган, ота-онаси билан яшайдиган, (бўйи 1, 65/70) фарзанди йўқ аёл, тошкентлик, мустақил фикрладиган, яхши фазилатли инсон билан турмуш қуришни истади.

УНИ БЕМЕХРЛИКДА АЙБЛАМАНГ...

Куз навбатни қишга берди. Куёш Чаён Ёржини тарқ этиб, 23-ноярдан бошлаб Ўқотар буржи бўйлаб сайрени бошлади. Бу саёҳат 21-декабргача давом этади. Ушбу даврда туғилганларни қисқача Ўқотар деб номлаймиз. Ўқотарни махлуқ танали, одам бошли мавжудот шаклида тасвирлашади, тўрт оёқли, икки кўлли, кўлларинда ўқли камон. Ўқотарлар ҳаво унсурига тегишли бўлиб, уларга Юпитер сайёраси ҳомийлик қилади.

ЭРКАК — «ЎҚОТАР»
Эркак — Ўқотарларнинг табиатида романтика кучли, тиниб-тинчимас, хушчақчақ, сайёқ. “Дарахт бир жойда кўкаради” деган мақол уларга мулақот тўғри келмайди. Улар тақдирнинг эркатойларидир. Омад юлдузи уларга тез-тез йўлбошчилик қилади. Ўқотарлар серулофат, жўрабоз кишилардир. Уларнинг даярли душманлари бўлмайди, уларга ҳасада қилувчилар эса керагича топилади.

Сиз ҳақингизда фикрини ўраб-чирмаб ўтирмасдан юзингизга айтиб юбораверади. Бундан хафа бўлишингиз ноўрин, ахир “дўст ачи-

тиб гапиради”.

Севги бобида Ўқотар муҳаббат ўқларини ўнгу-сўлга отиб юради. У тез ошиқ бўлади ва бутун борлиги билан сеvgи муаммолари, ҳижрон азобларига шўнғийди. Севгилисининг камчиликлари ҳам унга фазилатдек туюлади. Истаганига эришгач, ўз йўлида давом этади. Унинг эстагидан тўтиб қолишга уринмайдилар. Агар истаганига ета олмаса, Ўқотар бундан тушкунликка тушмайди ва “Буниси бўлмаса, бошқаси” деб ўз-ўзига тасалли беради.

Оилада ҳам унинг тиниб-тинчимас табиати яққол намоён бўлади. Бир пайтнинг ўзида икки-уч ишининг бошини тўтиб кетаверади. Ва ҳар бир ишни охиригача еткази олади. Ўқотарлар уйда вақт ўтказадиганлардан эмас. Шунинг учун Ўқотар эрга нисбатан хотинлар “ревизорлик” қилишини маслаҳат бермаймиз. Нега десангиз, Ўқотарлар “серсаволтерговчи” хотинларни ёмон кўрадилар ва сўроқлар сони ошиб кетса, чопонини елкага ташлаб кетиши ҳам мумкин.

Яхшиси уни ўз ҳолига қўйинг. Ноў-

рин гумонларга берилманг, Ўқотарлар саришта, пазанда ва қувноқ аёлларни яхши кўрадилар. Иложи борица камроқ ухланг, кўпроқ иш, саришталик, пазандалик, гул ўстириш билан шуғулланг. У сиздек хотини билан фахрлана олгандангина ўз давраларига сизни ҳам олиб бориши мумкин. Тақлиф қилса, йўқ деманг ва уни уялтириб қўймасликка ҳаракат қилинг.

Ўқотарлар фарзандларига гўдақлигидан кўра каттароқ бўлган пайтда кўпроқ эътибор беради. Шунинг учун уни бемеҳрликда айбланманг. Табиати ўзи шунақа. Бунинг устига ўғил фарзандларга меҳри баланд бўлади ва Ўқотар ота бўлган оилаларда аксарият ўғил фарзандлар туғилади.

АЁЛ — “ЎҚОТАР”
Аёл — Ўқотарлар гоят ҳақиқатгўй бўладилар. Ўзига мустақил, қариндошлик алоқаларига ёзаки қаради. Ўзига буйруқ оҳангиде гапиришларини жини суймайди.

Ўзига ачинади қарашларини ёқтирмайди. Юраги қонга тўлган пайтлар-

да ҳам сиртда хуш-хандон юради. Унинг кўз ёшларини ёстиғи билади, холос. Оқиллигидан ҳар қандай қийин шариоитдан чиқа олади.

Оилада Ўқотар — аёллар саришталиги ва пазандаллиги билан мақтанадиган даражада эмаслар. Оилавий байрамларни уюштиришда эса уларга тенг келадигани бўлмайди. Она ва фарзандлар учун ҳар қуни байрам қилишга арзийдиган бахоналар топилиб туради. “Эр-хотиннинг уриши, доқа рўмолнинг куриши” деган мақол айнан Ўқотар — аёл учун тўқиб чиқарилган бўлса керак. Ҳардамхаёл ва мужмал эркак Ўқотар — аёл учун тўғри келмайди. Меҳмондўстлик Ўқотар — аёлнинг энг биринчи фазилатидир.

Ўқотарлар Балиқ, Ёғизаклар, Паризод, Қовға, Арслонлар буржида туғилганлар билан бахтли ҳаёт кечирадилар.

Чаён, Тоғ эчкиси буржида туғилганлар билан қурилган оилада мўътадил муносабатлар ҳукм суради.

Қўй, Қисқичбақалар билан оила қуришдан эҳтиёт бўлган маъқул.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ тайёрлади

Мен ҳам не бир орзу-умидлар билан оила аъзоларим розилиги асосида, уларнинг юзини ерга қаратмай турмуш қургандим. Тушган жойимда тош қотайин деб ният қилгандим. Афсус... Ҳаёт ҳар доим ҳам сен хоҳлаганчалик бўлавермас экан. Бетобланганингдан кейин ҳеч кимга, ўзингни бахшида қилган ётиқдошингга ҳам малол келиб қолар экансан. Тўрт нафар фарзандим бор: икки қиз, икки ўғил. Ҳўжайиним билан жуда яхши эдик, лекин соғлигим заифлашди, ҳамма нарса ўзгарди. Сочим супурги, қўлим косов бўлиб, қайнота-қайнонамнинг, ҳўжайинимнинг хизматларини қилдим. Ўзлари олий маълумотли, зиёли эдилар, ҳаёт мажбур қилиб катта юк машинасида узок йўлга юрадиган бўлдилар, топишлари катта эди. Қишлоққа келин бўлиб тушганман, бурчим деб хизмат қилаверишман. Хизматимни мин-

ки, болаларингизники", деган эканлар. Оилага хиёнат қилиш, онага оқ бўлиш гуноҳидан ҳам оғирроқ экан. Бахтидан куйган инсон, ҳеч кимга ишонмай қўяди. Болалари дўст-душманларининг олдида бош кўтариб юролмади. Катта бўлганда ташлаб кетган ота ёки онасидан нафратланиб ўч олишни кўнглига тугиб қўяди. Бу кўш хотинлиқнинг оилага, жамиятга, болалар тарбиясига зарари эмасми? Ўйлаб кўринг, бир аёл бутун умрини оилага, эрига, болаларига сарф қилса, меҳнат қилса, кунни-тунни бедор ўтказиб тарбияласа-ю, бир аёл оилани барбод қилиб, эрини етаклаб кетса. Бечора аёлни касалга, ёки руҳий касалга чиқариб, ҳамма нарсдан маҳрум қилиб ҳужжат тўғриласа - бу адолатданми? Наҳотки уларга жазо йўқ? Никоҳни бекор қилмасдан туриб, никоҳдан ўтиб кетаверса. Оилалик

Сўрама болам.
Уйингга ўт қўйди,
Ёмонлар болам.
Мен ўзим отангман,
Ўзим онангман.
Сени йиғлатганлар,
Хор бўлсин болам!
Сенинг Оллоҳинг бор,
Мен борман болам.
Аканг бор, опанг,
Бор бўлгин болам!

Сохибқиронлар.
Бағридан чикди
Не мард ўғлонлар.
Не-не қирғинларда
Бўлиб мардона
Мардлигига дўстлар
Душман ҳайрона.
Истиклолга бошлади,
Жасур юртбошинг.
Буюк элиқболинг,
Азиз элиқболинг.
Фидо бўлсин сенга
Кўксим қалқоним,
Мустақиллик муборак
Она Ўзбекистоним.

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

Муҳаббатнинг асириман,
Муҳаббатнинг зўр қасриман.
Садоқатли, вафолиман,
Мен муҳаббат, муҳаббатман.
Шайдо кўнгул, шайдосиман,
Муҳаббатнинг адосиман,
Хиёнатни кечирмасман,

Илтимос, эркаклар, биз аёлларнинг фақатгина тиргаги, суюнган тоғи, ишонган мададкори, марди, шери, султониимиз бўлиб қолинг. Зеро, фарзандларингиз бўлгуси эр, оталар - улар эса, фақатгина сиз-

АМАНТАН КЎНГИЛ НОМАЛАРИ

нат қилаётганим йўқ, ёлғиз умидим деб, ёлғиз Оллоҳим деб, сигиниб, топинганимдан, умидларим саробга айланганидан қуяман холос. Пешонамга берилган Оллоҳнинг ёзгани экан, бетобланиб қолган чоғларим фақат онам, акаларим парвариш қилишарди. Соғайганимдан кейин, яна оилам бағрига қайтиб, уларнинг хизматларида эдим. Айбим нима эди, ҳали-ҳануз тушунайман. Ёлғиз гуноҳим, касал бўлиб қолганим. Худога шукр, оёққа ҳам туриб кетдим. Айни ўша вақтларда ҳўжайиним мендан яширинча уйланиб ҳам олибдилар, мен беҳабар. Мана яқинда тўрт болам билан онамникига қўйиб кетдилар. Ҳаттоки гулдай болалар ҳам кўзига кўринмайди. Наҳот ҳиссиёт дегани шунчалар фаришта болалардан ҳам устун бўлса?... Мен қишлоқда ота-онасининг хизматини қилаверишман, ҳўжайиним эса, кундошимга шаҳардан уй-жой қилиб, унинг атрофида парвона экан. Буни эса уйдагилари ҳаммаси била туриб менга бир оғиз ҳеч нима дейишгани йўқ. Ҳўжайинимнинг ҳам бу йўлдан қайтаришмагани менга оғир ботади. Орқаворотдан майда гаплар эшитдим, мен аҳмоқ уларни ҳеч қайсисига эътибор қилмай ишонмадим.



Бева эр уйланса, ўлган хотинининг арвоҳи куяр экан. Шунинг учун эр уйланмасдан олдин, хотинининг қабрига уч марта сув қуйиб, тақдирингга тан бер, дея ризолик сўрашаркан. Қабрда ётган хотин эрининг уйланганидан қуйса, унда тирик юрган аёли ёниб кетмайдими?

Нега аёл зоти эри касал бўлса ойлаб, йиллаб, парвариш қилади. Қаради, кутади. Худодан соғлигини сўраб илтижо қилади?!... Баъзи эркаклар бўлса, аёлининг касали бир ойга бормасдан хотин излашга тушади. Нега аёлининг соғайишини қуттишмайди? Онасиникига олиб бериб ташлайди. Соғлигида хотин, касаллигида ўтинми? Ёки эркакларда иймон сустими? Ор, ирода, ақл йўқми? Уйлансин, мастликдан эмас, бойликдан эмас! Мажбур бўлса уйлансин. Хотини мажруҳ бўлса, ўша аёл рози бўлса уйлансин. Мен унга Худога ишонгандек ишондим. Менинг муҳаббатимни оёқ ости қилди. Болаларининг шаънини, насл-насабини ўйламади. Ҳадисларда ҳам, "Биринчи гуноҳ - Худони тан олмаслик бўлса, иккинчиси - ўз жуфти ҳалолли бўла туриб, ўзга аёлга вақтини сарф қилиб ишрат қилганга", - дейилган. Пайгамбаримиз: "Аёлларимизни Оллоҳнинг гувоҳлигида маҳрамингизга олдингиз. Унинг қадрига етинг. Аёлингизни бегоналар олдига оёқ ости қилдирманг. Сизнинг топган мулкнингиз - аёлингизни-

аёлнинг - болалари, эри, меҳмони, қайнота-қайнонаси бор, уруғ-аймоғи бор. Уларнинг ҳаммасига аёл улғуриши керак. Ҳам ўзига қараши керак. Ҳориб, чарчаган аёл ўзига қарайдими? Ҳар бир оила аъзосининг ўз кўнгли, феъл-атвори бор. Оила муқаддас. Оила - жамиятнинг, ватаннинг бир бўлаги. Яъни кичик Ватан. Ўша кичик Ватанга хиёнат қилган инсон, катта Ватанга хиёнат қилмайди деб ким қафолат беради. Ўз болаларининг, жуфти ҳалоллининг шаънини ўйламаганлар Ватан қадрини билармиди? Нима бу, тўқликка шўхликми? Мен ҳатто ўз пушти камаримдан бўлган фарзандларим билан бир хоналик уйчалик бўлмадим. Мен касал бўлган бўлсам (Худога шукр оёққа турдим), болаларининг айби нимада? Бир-биридан ширин, муңчоқдек, қора кўзларини кўриб юрак-бағрим эзилди. Саволларига нима деб жавоб беришни билмайман. Уларни оёққа тургазишни айтинг? Айни ейман, ичман, қияман деган пайтлари. Келинларнинг қовоқ-тумшугига қарашининг ўзи бўлмайди, қолаверса уларнинг ҳам ўз болалари бор. Аламимни йиғлай-йиғлай қоғоз ва қаламдан олам...

Мен муҳаббат, муҳаббатман.
Вафосизни кечирсалар,
Увол бўлар, севги сўзи.
Мажнун бўзлар, Тоҳир йиғлар,
Мен муҳаббат, муҳаббатман.
Ошиқларни йиғлатсалар,
Гадо бўлар, севги ўзи.
Лайлидирман, Зухройингман,
Мен муҳаббат, муҳаббатман!
Одатда халқимиз мард эркакларни "ўзбекнинг шери" дейди. Илоҳо йигитларимиз ҳар доим шер бўлиб юрсин! Шер бўлиб яшасин! Эркак номига доғ туширмасинлар.
Ўзбекнинг юрти кенгдир,
Ўз ерига ўзи беқдир.
Ҳар қаричи, эри обод,
Юртим озод, юртим озод.
Аёллари, аҳли закот,
Ҳар бир ери, қут баракот!
Худо назар солган юртим,
Бўлгин обод, бўлгин обод.
Ўғлонлари Алпомишдир,
Ёвга қарши, мард-баҳодир.
Саҳарларда шердай юрар,
Наъра тортса, душман титрар.
Ватаннинг тиргагидир,
Лочинлари, бургутлардир.
Осиёнинг йўлбарслари -
Ўзбекнинг ўғлонлари!

дан ўрناق оладилар. Сизларга тақлид қиладилар. Менинг ҳалол никоҳли фаришталаримдек оёқ ости, хор бўлишмасин. Фарзанд ахир жаннат меваси, Оллоҳ уларни суйган бандаларига беради. Сиз Отасиз! Вақтинчалик кўнгулхушлиқни эмас, бўйи етаётган ўғил-қизингизни тақдирини ўйланг. Оилангизни тарк этишдан олдин чуқурроқ ўйлаб кўринг, қадамингизни оқибати нималарга олиб келади? Муҳтожликдан, аччиқдан, аламдан, нафратдан ўша ташлаб кетаётган, бир пайтлар суюб, эркалаб бағрингизга босган дилбандингиз, зурриёдингиз пешонасида не кунлар борлигини билмай ётган беғуноҳ гўдак лўппи қўлчаларни сизга узатаётган пуштикамарингиз - сизнинг ватинчалик эҳтиросларингиз оқибатида ким бўлиб етишади? Ўғри бўлмайди-ми? Саёқ юрмайдими? Она бечора қўлдан келганча тарбиялайди, лекин ота тарбияси бошқа. Сиз ахир тириксиз-ку? Оёқ-қўлингиз бутун, танингиз соғ! Наҳотки фарзандларингиз меҳрини кўмсамасиз? Бир куни юз-юзга, кўз-кўзга тушади, сизнинг эмас, менинг тўрт фарзандим оёққа ҳам туришар... Лекин, Худо хоҳласа, сиз юзизимизни ерга қаратгандек, ерга қаратишмайди. Эссиз эркак деган ном!

Менку отасиз катта бўлгандим, Худога керак бўлганлари учун олган отам раҳматлики. Болаларимнинг гуноҳи не? Халигача тушунайман. Доимо кўнгулдагидек аёл бўлишга ҳаракат қилганман. Сиз иссиққина уйдасиз! Машина, ёшгина аёл, етарли маблағ. Менимча пул қутуртирди сизни...

Болаларингиз эса бошпанасиз, ота меҳрига зор. Уйсиз, жойсиз. Сиз юмшоқ кўрпалар, пар ёстиқлар ичида фарзандларингизни ўраб, чирмаб ётқиздириш, хайрли тун тилаш ўрнига, улар ичида сиз лаззатланмоқдасиз. Ёғли-гўштли овқатлардан танаввул қилиб ором олмақдасиз. Томоғингиздан қанақа қилиб овқат ўтапти? Кечаси қанақа қилиб тинч ухляпсиз? Тушларингизга кирмаяптими улар?

Бу сўзлар севган юракнинг, алданган кўнгулнинг дилномалари, дилномалари...

СЕВАРАГА

Сўрама отангни,
Севарам болам.
Отанг ўлган,
Етимим болам.
Сўрама уйингни,

Оллоҳ азиз этди,
Турон заминни.
Алломалар юрти,
Пирлар замини,
Султо Жалолдин,

Обида ҲАКИМОВА
Сирдарё вилояти,
Ховос тумани,
Қайирма қишлоғи

Мен ёзувчи ҳам, шоир ҳам, журналист ҳам эмасман. Ҳозирча мен пойтахтимиздаги олий ўқув юртиларидан бирида ўқийдиган оддий талабаман. Шу сабаб сенга айтмоқчи бўлган гапларимни жўнгина ва тақаллуфсиз бошладим. Агар бу сатрларни ўқийтган бўлсанг, дарров кўз олдинга келдим. Уша нигоҳлар сенга қадалиб турибди. Сен энди бу унсиз нигоҳларга нима деб жавоб бермоқчисан, ўзингга ҳавола. Ёдингдами, биз дўст эдик. Бу дўстлик мактабдан пахтага чиққанмизда илк бор ўзини намоён қилган эди... Пахтанинг 2 куни. Мен нима сабабдандир сен пахта тараётган эгатга бориб қолдим. Сен гапнинг пахта терардинг. Доим кулиб юрадиган бу қизга нима бўлди-хаёлимдан шундай ўй ўтди. Хаттоки сенинг олдинга борганимдан ҳам мени сезмадинг.

- Сайёра, сени ким хафа қилди? - Биринчи бўлиб жимликни буздим. Сен ялт этиб менга қарадинг. Сен шундай қарадингки, бу нигоҳлар бир куни келиб сени алдайди, деб бирон киши айтганда аниқ ёқасидан бўғардим. Сен хиёл жилмайиб: - Узим, шундай, - дея қолдинг.

Уша куни биз узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат мавзуси лосаларинг.

Мен сенга муҳаббатни қандай тушунасан, деганимда, бир оз ўйчан, кўлингга пахта толасини ўйнаганинг-ча: - Муҳаббат менинг назаримда энг покиза эътиқоддир, - дедим. Эҳ, қизгина, сенинг эътиқод қилган муҳаббатинг эгаси бошқа экан. Мен гўё сенинг эътиқодинг йўлидаги бир хамроҳинг бўлибман. Сени манзилга элтибману, ўзин ёлғиз қолибман.

Ахир мен шуни истамаган эдим-ку. Ўзинг айт, ҳақиқий муҳаббат эгаси бўлсанг, айт, менга қилган шу "яхшилигинг" сени виждон азобига солмайди? Пахтанинг охириги кунларида кечкурун шийпон ортидаги ўриндакида ўтирган эдик. Сен яқинда ўқиб чиққан Ў.Ҳошимовнинг "Икки эшик орасида" романидан қаттиқ таъсирланганини сўзлар эдинг. Суҳбат охирида: - Агар, худо хоҳласа Тошкентда ўқисам, албатта: "Номаълум аскар қабри"ни зиёрат қиламан-дединг. - Бу менинг уч орзуимдан бири бўлди. - Биз мактабга қайтдик. Энди мен ҳам Тошкентда ўқиш илинжида ёна бошладим. Худди сендек мени ҳам ўша зиёратгоҳ гоийбдан чулғаб олди. Хаёлларим фақат

батимиз асосан му- даги китоблар эди. Сенинг му- хали ҳам қулгим остида жаранглайди. муҳаббатни қандай тушунасан, деганимда, бир оз ўйчан, кўлингга пахта толасини ўйнаганинг-ча: бат менинг назаримда энг покиза эътиқоддир, - дедим. Эҳ, қизгина, сенинг эътиқод қилган муҳаббатинг эгаси бошқа экан. Мен гўё сенинг эътиқодинг йўлидаги бир хамроҳинг бўлибман. Сени манзилга элтибману, ўзин ёлғиз қолибман.



мангу олов пойига гул қўяётиб, сал намланган кўзларингни чизаверарди. Бу кўзлар дафъатан ўша ялт этган нигоҳларингга уйғундек туюларди. Менинг эса сенга қачондир изҳор қилишим керак бўлган муҳаббат дарди азобга солар эди. Негадир кунлар ўтган сари, худди бири-биримизни йўқотиб қўйдигандек туюлаверарди. Биз гоҳи ёлғиз, гоҳи синфдошлар даврасида учрашиб турдик. Бир куни синфдошларимиз билан ким қаерга ўқишга боради, мавзуда тортишиб қолдик. Савол навбати сенга келганда, билмадим, ҳали ўйлаб кўрганимча йўқ, дедим. Мана, ниҳоят, битирув кечамиз ҳам бўлиб ўтди. Айнқиса сенинг исмингни эълон қилишиб, кўлингга етуклик шахдатномасини топширишаётганда кўзларинг яна ҳам порлади, гўё чоратроф бир зумга равшан торти, назаримда. Буни фақатгина мен пайқаган эдим. Уша куни биз тонггача ўйин-кулги қилдик.

Тонгга яқин ҳаммамизни уйку элитгандай, оромбахш сокинлик ҳукм сурган вақтда ҳам биз ёнма-ён ўтирардик. Баланд тоғлар оша қумушранг ёғдуларини сочиб секин кувёш ҳам чиқа бошлади. Ҳаммамиз унга махлиё бўлиб, то у чиқиб бўлгунча сукутда эдик. Уша тонг сен мени яна бир ширин суҳбатингга шайдо қилдинг. Дабдурустдан-менинг иккинчи орзуимни айттайми деб қолдинг. Мен ҳам, айтгандек, сен уч орзуим бор, деган эдинг, шулардан бири эмасми - деб сўрадим. - Айтқол. Сен эса ўзингнинг иккинчи орзуинг, ўз ота-онангдек шифокор бўлиш ва бунинг учун тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширмоқчи эканлигингни айтдинг. Орадан кунлар ўтди. Иккимиз ҳам тест натижаларини орзиқиб кута бошладик. Ҳаммасидан ҳам мен сенга ўз муҳаббатимни билдиришга мушток бўлиб пайт пойлар эдим. Энди оғиз жуфтлаганимда ҳар сафар сен бирдан қизиқ бир воқеани эслаб қулиб юборар эдинг. Мен бағримни тиглаб қолардим. Ниҳоят тест натижаларини ҳам билдик. Сен бу пайтда жуда бахтиёр эдинг. Мен эса ўз ҳужжатларимни қайтариб олишга мажбур бўлдим. Менинг уша вақтдаги ҳолатимни бир тушунсанг эди. Сен ҳар ойда бир маротаба уйингга келадиган бўлдинг. Шу орада мен ҳам дарҳол хабар топиб сенга сим қоқар эдим. Биз анча вақтгача мириқиб суҳбатлашар эдик. Шундай кунларнинг бирида сен янаги сафар тугилган кунинг арафасида келишингни айтдинг. Мен у кунни орзиқиб кута бошладим. Айтилган кун ҳам келди. Уша куни уйингга мехмонлар кўп, курсдош қизларинг ҳам бор эди. Мен бир даста гулни олиб, қўшни бола орқали сени чақиртирдим. Зум ўтмай сен чиқиб келдинг. Қуюқ сўрашдик. Сени гулдаста билан табрик этдим. Гулларни бағримга босиб, мени уйингга тақлиф этдинг. Мен эса сенда муҳим гапим борлигини билдирдим. Кўчанг бўйлаб юра бошладик. Кўча ним қоронгу, кўда эса бирин-сирин юлдузлар кўрина бошлаганди. Мен сенга: "Сайёра,

учинчи орзуинг нима?" - деб сўрадим. Сен менинг сўзларимни диққат билан тинглаб, жим борар эдинг.

Шу асно ўша нигоҳларинг билан ялт этиб қарадинг ва бошингни қуйи соланча анча вақт индамай бординг. Кейин: "Сен менинг кўнглимга энг яқин кишимсан. Буни майли, сенга айтаман", - дедим. Сен шунда ўзингнинг учинчи орзуинг ҳаётда ўз бахтингни топиш эканлигини айтдинг. Биз бир зум тўхтаб ортага қайтдик. Мен ич-ичимдан тошиб келаётган кучли ҳаяжонимни яшира олмадим. Сенга, ҳа сенга, севишимни айтдим. Сен жимгина тинглаб эдинг. Мен албатта ўз хоҳишинг билан менга турмушга чиқишингни сўрадим. Сен ихтиёр ўзингга эмаслигини оҳангда билдирдинг. Мен кўнглингни сўрадим. Шу пайт дарвозанг олдига яқинлашиб қолган эдик. Мен сендан яна бир бор сўрадим. Агар айтмасанг, кўчангда тонггача айланб юришимни қатъий билдирдим. Сен шунда биринчи бор бир олам қувончга солиб-менинг кўнглим фақат шу гулларда-деб, гулларни бағрингга мақкам босганча уйингга юриб эмас, гўё учиб кирдинг. Мен қаққайиб анча вақт кўчангда туриб қолдим. Уйга келгач, ўқишга астойдил. Менинг ҳам орбўлдим. Сен буни ҳам уйимизга тез-тез учрасандинг.

дил аҳд қил- зуларим ушалиб талаба эшитиб роса қувондинг. Энди мен бир ойда бир марта кела бошладим. Биз шиб турдик. Мен толеимдан ўзимда йўқ хур- эдим. Аммо бу хурсандчилик узоққа бормади...

Бир куни сени излаб сен ўқийдиган олийгоҳга бор- дим. Гуруҳингга қизлардан сени суриштирдим. Улар маъноли қараб қўйишиб, бугун сенинг бетоблигингни ай- Мен ҳеч нимани тушунаман, холда сен яшайдиган бинога келдим.

Қаватлардан кўтарилиб эшигинг ол-д-и-д-а-г-и тугмачани босдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Шу зайлда кетма-кет кўнғирок тугмачасини боса бошладим.

Ҳаттоки қўшни кампир эшигини очиб менга шубҳали қараб-қараб қўйди. Мен сенинг уйинг- да эмаслигингга ишонч ҳосил қилгач, секин пастга туша бошладим. Аммо қават эшиги олдида ётганимда бирдан сенинг шўх қулгу овозингни эшитдим. Мен ҳайрон қолиб қарасам, сен... Сени хурсанд холда бир даста гулларни бағрингга босганча кириб келаётганингни кўрдим. Мени қўриб бирдан таққа тўхтадинг. Нима дейишингни ҳам билмай, ортингга бир қарадинг. Шунда... Шунда мен ортингга башанг кийинган бир йиғитнинг сен

билан қўл силкиб хайрлашаётганини қўриб қол- дим. У йиғит яна бир бор қўл силкиди-да, ортига қайрилиб кетди. Мен шу вақт бор эс-ҳўшимни йиғиб олиб ташқари томон отилдим. Шу лаҳза сен менинг кўлимдан ушлаб қолдинг. У йиғит эса узоқлашиб борар эди. Мен кўлимни тортиб олдим. Кўзларингга қарардим... Кўзларинг қатра ёш билан менга термуларди. Бу кўзларга қараш нақадар мен учун азоб эди. Оҳ, бу кўзлар... Гўё бегуноҳ бўла туриб ўз гуноҳини сўраётгандек эди. Мендан шу лаҳза бир сўз чиқиши душвор эди. Индамай чиқиб кетдим. Ортимдан эса кўнграб йиғлаган бир нола қувиб етди...

Мана ўтган ойда тўйинг ҳам бўлди. Узоқ бир шаҳарга келиб бўлибсан. Дугоналаринг айтганидай ўн тўрт кунлик ойдаи тўлибсан. Инсоф билан тўйингга ҳам тақлиф этибсан. Менинг бағри кенг дўстларим эса тўйингдан роса бир ҳафта кейин менга етказишди. Мен хурсандман, шу учунки: сенинг орзуларинг ушалди... Менга эса фақат шу нарса керак эди.

Орзулар... Менинг бугун узоқ кутган бир орзуим ушалди. Бу-сен учун ёвилган биринчи ва охириги шеър эди:

Кўк дарвозанг гувоҳ сўнги висолга,
Юлдузлар тўлғонар, азобда фалак.
Хайр, деган сўзларинг қолди ёдимда,
Орзуларинг ушалдими, юзлари малак?

Сен жим эдинг, жим эди осмон,
Орзуларинг атрофингга айланар гирён.
Сендан тўхфа қолди биргина-армон,
Орзуларинг ушалдими, қоши камалак?

Сени суюб юрагимда бир чизик қолди,
Бахтга элтар йўлларим узоқда қолди.
Бармоғингга тақолмаган узугим қолди,
Орзуларинг ушалдими, сочи жамалак?

Нигоҳларинг хаёлимда бир эрмакмиди,
Муҳаббатим сенга таниш бир эртақмиди.
Тўйингга ҳам боролмадим, шу керакмиди,
Орзуларинг ушалдими, хайр келинчак!

Тошкент

УЛУФБЕК

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИЙ

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
40 572 нусxada чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобук,
Баҳоиси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.